8 (560)-сон

113-модда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУГИ

113 Футбол буйича спорт мусобақаларини утказиш вақтида томошабинларнинг (мухлисларнинг) узини тутиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2430

«Жисмоний тарбия ва спорт тўгрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 147-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 январдаги 15-сон «Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўгрисида» ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 10-модда) мувофик, шунингдек футбол бўйича спорт мусобақаларини ўтказишда жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида буюраман:


- 1. Футбол буйича спорт мусобақаларини утказиш вақтида томошабинларнинг (мухлисларнинг) узини тутиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- 2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир Т. КУЗИЕВ

Тошкент ш., 2013 йил 22 февраль, 162-сон

Футбол бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида томошабинларнинг (мухлисларнинг) ўзини тутиш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар «Жисмоний тарбия ва спорт тўгрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 147-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 январдаги 15-сон «Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўгрисида» ги қарорига (Ўзбе-





кистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 10-модда) мувофик, Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган спорт иншоотларида футбол бўйича спорт мусобақалари ва томоша тадбирларини ўтказиш вақтида томошабинларнинг (мухлисларнинг) ўзини тутиш тартибини белгилайли.

I боб. Спорт иншоотига кириш вақтида томошабинларнинг (мухлисларнинг) ўзини тутиши

1. Спорт иншоотига кириш вақтида томошабинлар (мухлислар): чиптага асосан спорт иншоотига кириш ва жойлашиш;

спорт иншооти худудида жойлашган сақлаш камералари, буфет, кафе ҳамда ташкилотчилар ва спорт иншооти маъмурияти томонидан тақдим этилган бошқа хизматлардан белгиланган тартибда фойдаланиш;

пластик сурнайлар, дастаси пластикдан булган байроқчалар, дастаси йуқ байроқлар, фотоаппаратлар, мобиль телефонларни спорт иншоотига олиб кириш ҳуқуқига эга.

- 2. Мухлисларнинг гурухларига спорт иншоотига ичи кавак (телескопик) дастали байрокларни ва барабанларни олиб келишга рухсат этилади. Бунда байрокнинг максимал хажми 1 х 2 м, дастасининг максимал узунлиги 1,2 м булиши керак.
- 3. Мухлисларнинг гуруҳлари спорт иншооти маъмурияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг масъул ходимлари билан келишган ҳолда катта футболка ва байроқларни буш секторлар ва югуриш йуҳлакчаларига жойлаштириш, туҳсиқларга баннер-транспарантларни осиб қуҳишлари мумкин. Катта футболка, байроқлар, баннер-транспарантларда ҳақоратли ёзувлар, шунингдек қонун ҳужжатлари талабларига зид бошқа ёзувлар буҳлмаслиги керак.
 - 4. Томошабинлар (мухлислар):

спорт иншоотига кириш жараёнида махсус назоратдан (текширувдан) ўтиш вақтини ҳисобга олган ҳолда спорт иншоотига тадбир бошлангунга ҳадар келишга:

спорт иншооти маъмурияти ва хукукни мухофаза килиш органлари ходимларига чипталар, таклифномалар ёки тадбирга кириш хукукини берадиган рухсатномаларни курсатишга хамда уларнинг хавфсизлик ва тартибни саклаш бунича конуний талабларини бажаришга мажбур.

- 5. Томошабинлар (мухлислар) спорт иншоотига кириш чоғида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан махсус назоратдан (текширувдан) ўтказилади.
 - 6. Томошабинларга (мухлисларга) қуйидагилар тақиқланади:

маст ҳолда спорт иншоотига кириш, спиртли ичимликларни олиб келиш, тамаки маҳсулотларини ёки бошҳа маст ҳилувчи воситаларни спорт иншооти ҳудудида истеъмол ҳилиш;

ўзи билан ўқ отар қурол, тез ўт оладиган, портловчи, захарли, пиро-



техник, ўткир хидли моддаларни, санчадиган ёки кесадиган предметлар, чемоданлар, портфеллар, катта ўлчамдаги ўрамлар ва сумкалар, шиша идишларни, шунингдек бошқа томошабинларга ва тадбир ўтказишга халал берувчи бошқа буюмларни олиб келиш;

юз ёки тананинг бошқа қисмларини буяш;

тадбирга жониворлар билан келиш;

миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни қўзғашга қаратилган, тадбир иштирокчилари ва бошқа томошабинларни ҳақорат қиладиган белги ёки тимсол ва ёзувларни олиб юриш ёки очиқ намойиш этиш;

тадбир иштирокчиларининг қадр-қимматини камситувчи ҳайқириқлар ёки ҳаракатлар қилиш.

7. Агар мехмон жамоа мухлисларининг жойи учрашувни қабул қилаётган жамоа мухлислари тарафида бўлса, спорт иншооти маъмурияти ва хукуқни мухофаза қилиш органлари ходимлари хавфсизликни таъминлаш мақсадида учрашувни қабул қилаётган жамоа мухлисларидан мехмон жамоа мухлислари учун мўлжалланган секторга ўтишни талаб қилиши мумкин.

II боб. Футбол буйича спорт мусобақаларини утказиш вақтида томошабинларнинг (мухлисларнинг) узини тутиши

8. Футбол буйича спорт мусобақалари ўтказилаётган вақтда томошабинлар (мухлислар):

нокулай об-ҳаво шароитида жамоани турган ҳолда куллаб-қувватлашлари; фото ва видеосъёмкани амалга оширишлари;

ўйин вақтида жамоани фаол ва уюшган ҳолда қўллаб-қувватлашлари; қўллаб-қувватловчи шиор ва чақириқлардан фойдаланишлари;

футбол ва унинг натижаси билан боглик ахборот олиш хукукига эга.

9. Футбол буйича спорт мусобақалари утказилаётган вақтда томошабинлар (мухлислар):

жамоат тартиби ва ахлок нормаларига риоя этишлари;

спорт иншоотининг жиҳозларига эҳтиёткорлик билан муносабатда булишлари;

ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишлари;

бошқа жамоаларнинг мухлисларига нисбатан қупол муносабатда булмасликлари;

бошқаларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда булишлари, атрофдагиларга хавф соладиган ҳаракатларни содир этмасликлари;

шубҳали предметлар ва буюмларни курганда, шунингдек тутун ёки ёнгин содир булганда зудлик билан спорт иншооти маъмурияти ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига ҳабар беришлари;

фавқулодда вазиятлар юзага келганда тартибни сақлашга масъул булган шахслар курсатмасига асосан ҳаракат қилишлари;

давлат рамзларига, шунингдек Ўзбекистон Футбол федерацияси, Ўзбе-



кистон Профессионал футбол лигаси, клублар ва жамоаларнинг рамзларига хурмат билан муносабатда булишлари шарт.

10. Футбол буйича спорт мусобақалари ўтказилаётган вақтда томошабинларга (мухлисларга) қуйидагилар тақиқланади:

турли буюмларни футбол майдонига, футбол мусобақаси иштирокчиларига қараб улоқтириш,

машъала ёки гулханлар ёкиш;

футбол майдонига чиқиш, жамоалар, ҳакамлар, мураббийлар ва захира ўйинчилар жойлашган жойга, допинг назорати хонасига, расмий шахслар учун мўлжалланган хона ва VIP-ложага ёки стадионнинг бошқа махсус хоналарига кириш;

ўтиш жойларида, зиналарда ёки люкларда туриш, иштирокчилар ва томошабинларнинг (мухлисларнинг) харакатларига халал бериш, ўриндик устига чикиб олиш, тўсик ва панжараларга осилиш, ёритиш курилмаларига, мачталар, кимирламайдиган конструкцияларга чикиш, спорт иншооти мулкига зарар етказиш.

III боб. Футбол буйича спорт мусобақалари якунига етганидан кейин томошабинларнинг (мухлисларнинг) ўзини тутиши

- 11. Футбол буйича спорт мусобақаси якунига етганидан кейин томошабинлар (мухлислар) спорт иншоотидан чиқиб кетиш тартиби туррисида ахборот олиш хуқуқига эга.
- 12. Футбол буйича спорт тадбири якунига етганидан кейин томошабинлар (мухлислар) белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда спорт иншоотини тарк этишлари шарт.
- 13. Футбол буйича спорт мусобақаси якунига етганидан кейин томошабинлар (мухлислар)га қуйидагилар тақиқланади:

спорт иншооти ёки клуб маъмурияти вакилисиз майдонга чиқиш, шунингдек спортчиларнинг кийим алмаштириш хоналарига, ҳакамларнинг ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш хоналарига кириш;

бошқа шахсларнинг мулкига зарар етказиш;

футболчилар, мураббийлар ёки томошабинларга, шунингдек уларнинг транспорт воситаларига буюмлар улоқтириш.

IV боб. Якуний қоидалар

- 14. Мазкур Қоидаларнинг талабларига риоя этмаган ёки унга буйсунишдан бош тортган шахслар спорт иншоотига қуйилмайди ёки чиптанинг ҳақи тулаб берилмасдан мусобақадан четлаштирилади.
- 15. Мазкур Қоидаларнинг талаблари бузилишида айбдор булган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.



Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й.



113-114-моддалар

— 118 —

8 (560)-сон

16. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Футбол федерацияси билан келишилган.

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

2013 йил 21 февраль

Ўзбекистон Футбол федерацияси президенти

М. УСМАНОВ

2013 йил 21 февраль